

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2022 йил 19 июль куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья: С.Махаметов, ҳайъат судьялари: Х.Шамшиев ва М.Юсуповдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Жовлиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С.Акилов, судланувчи ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат А.Алимкуловнинг иштирокида, ҳукмга нисбатан судланувчи томонидан келтирилган апелляция шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2022 йил 8 июндаги ҳукмига кўра,

..... (.....), 1998 йил 26 май куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам судланган:

1) жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2016 йил 15 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 127-моддасининг 3-қисми билан, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 2017 йил 2 августдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 3 ой 13 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

2) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2019 йил 4 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2020 йил 21 августдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;



3) жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2021 йил 23 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан, ЖКнинг 60,62-моддалари тартибида 1 йил 4 ой 27 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазо ўталмаган;

4) жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2022 йил 28 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 60,62-моддалари тартибида иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ўталмаган жазоси 2 йил 3 ой 15 кунни ташкил қилади, ишламаган, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, “Амир Темур М.Ф.Й, Тузель 1-дахаси, ...-уй, ...-хонадонда яшаган, иш бўйича «қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2022 йил 7 май кунидан буён қамоқда сақланаётган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўлланилиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида узил-кесил 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суд ҳукми билан жабрланувчи Ф.Йўлдошев ва фуқаровий даъвогар У.Махамаджановнинг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги;

.....дан жабрланувчи Ш.Қўчқоров фойдасига 2.500.000 сўм ундириш белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, хавфли рецидивист бўла туриб, алдаш ёки суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил 31 март куни соат 21.30 ларда Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, “Наврўзобод” М.Ф.Й, Қорасув кўчасида жойлашган 12 қаватли 17а-уйнинг олдида бўла туриб, таниши Ф.Йўлдошев ишончига кириб, уни алдаб, ундан бозор нархи 800.000 сўмлик “Redmi S2” русумли уяли алоқа аппаратида фойдаланиб, ўша ердаги кўп қаватли уйларнинг бирига кириб чиқишини айтиб, телефон аппаратини фирибгарлик йўли билан эгаллаб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран алдаш ёки суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2022 йил 11 апрель куни соат 14.30 ларда Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Авиасозлар 1-дахаси, Бирлашган кўчасида жойлашган умумий овқатланиш шаҳобчасида бўла туриб, таниши Ш.Қўчқоровни ишончига кириб, уни алдаб, ундан бозор нархи 2.500.000 сўмлик “SAMSUNG Galaxy A03S” русумли уяли алоқа аппаратида фойдаланиб олишини айтиб, Ш.Қўчқоровни чалғиганидан фойдаланиб,



телефон аппаратини фирибгарлик йўли билан эгаллаб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи шикоятда, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, иш бўйича моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, оилавий шароитини, оиласининг ягона боқувчилигини инобатга олиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси иш бўйича судья С.Махаметовнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С.Акиловнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланган ва унинг адвокати А.Алимкуловнинг шикоят важларини қувватлаб берган фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Суд ҳақиқий ҳолатни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Судланувчининг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганликдаги айби, унинг ўз айбига иқролик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, иш бўйича сўроқ қилинган жабрланувчилар Ф.Йўлдошев ва Ш.Кўчқоровларнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, шахсни таниб олиш учун кўрсатиш, нарсани олиш, буюмни таниб олиш, нарсани кўздан кечириш баённомалари ва фотоиловалар, ашъвий далил деб эътироф этиш қарори, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиғини топди.

Биринчи инстанция судининг жиноий ҳаракатларининг юридик квалификациясига баҳо бериб, унинг «фирибгарлик, хавфли рецидивист томонидан такроран, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш»да ифодаланган ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 24-сонли қарорида белгилаб қўйилган шартларга мувофиқ, мазкур жиноят иши юзасидан тўпланган ва суд тергови жараёнида текширилган юқорида қайд этилган далиллар суд томонидан мақбул ва қонуний деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарори 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак – деб кўрсатилган.



Биринчи инстанция суди, судланувчи А.Раимкуловга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қароридаги тушунтиришларига амал қилган ҳолда унинг шахсини, айбига иқрор билдириб, қилмишидан чин қўнғилдан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, иш бўйича етказилган моддий зарар ўрни қисман қопланганлигини, жиноятни фош этишда фаол ёрдам берганлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан жиноятни мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда содир этмаганлиги сабабли унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини асосли равишда қўллаб, шунингдек, уни муқаддам судланиб, жиноятни жазо ўташ даврида содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазо тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Шу боис, апелляция судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹³, 497¹⁶, 497¹⁸, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2022 йил 8 июндаги (.....)га нисбатан ҳукми ўзгаришсиз, судланувчининг шикоят эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо) **С.Махаметов**

Ҳайъат судьялари: (имзо) **Х.Шамшиев**

(имзо) **М.Юсупов**

Нусхаси аслига тўғри, судья:

